


Jamiyat va boshqaruvi

2
2008

Илмий-сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, маънавий-тарихий журнал

Юртим юрагисан, Тошкент!



Муассис: Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси	● <i>Бундан кўнрақ раҳбар</i>	
Бош муҳаррир: Қиёмиддин НАЗАРОВ	● К. Алиева.	
Таҳрир хайъати: Маннон АЛИЕВ	● Давлат хизматчиси фаолиятининг тамойиллари ва меъёрлари.....	4
Ҳасан АБУЛҚОСИМОВ	● И. Машаринов.	
Шукритдин ПАХРУТДИНОВ	● Раҳбарнинг сиёсий маданияти.....	12
Мирақбар РАҲМОНҚУЛОВ	● <i>Шафқат қўли</i>	
Шухрат РИЗАЕВ	● И. Эргашев.	
Анатолий САГДУЛЛАЕВ	● Ақл ва илҳом сатрлари.....	14
Абдугани ХОЛБЕКОВ	● <i>Миллат мағнавийли</i>	
Фатхулла ЭРГАШЕВ	● Ф. Юлдашева.	
Таҳририят: Кўпайсин АЛИЕВА	● Маънавий элита.....	16
(масъул муҳаррир) Бахтиёр АБДУШУКУРОВ	● Қ. Қандаҳаров.	
Музаффар АҲМЕДОВ	● «Мунча гаройибни мисол айладинг...».....	18
Мусахҳих - Рустам РАҲМАТХЎЖАЕВ	● А. Абдулазизов.	
Дизайнер - Наргиза ФАЙЗИГУЛЯМОВА	● Мутолаа маданиятини шакллантириш.....	20
Фотомухбир - Искандар СОДИҚОВ	● <i>Бундан кўнрақ муаммолар</i>	
Обуна индекси: Якка тартибдаги обуначилар -826; Идоралар (юримдик шахслар) -826. Қоғоз бичими 70x100 1/16. 8 босма табоқ. Буюртма № 08-712	● Ч. Кўчаров.	
Манзилмиз: 700003, Тошкент, Ўзбекистон шожқўчаси, 45	● Марказий Осиё минтақавий интеграцияси.....	22
Мурожаат учун телефонлар: 132-61-42, 132-60-52	● М. Қаҳҳорова.	
result@academy.freenet.uz	● Маънавий - ахлоқий камолот.....	26
Журнал Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 025 рақами билан рўйхатга олинган. Мақолаларда қелтирилган иқтибослар, далиллар, рақамлар ва маълумотларнинг аниқлиги учун муаллифлар жавобгардир. Журналдан кўчириб босилганда манба кўрсатилиши шарт.	● А. Ҳусейнова.	
«ЎЗБЕКИСТОН» нашриёт-матбаа ижодий уйи. Тошкент ш. Навоий кўчаси, 30-уй.	● Глобализация ва миграция.....	28
	● Н. Зокирова.	
	● Халқаро меҳнат ташкилоти.....	30
	● <i>Исраён</i>	
	● Ш. Муродова.	
	● Шахс ва ахборот таъсири	32
	● С. Боймуродов.	
	● Демографик муаммолар: тарих, ҳозирги аҳвол, таҳдидлар.....	34
	● <i>Ёшларнинг эғтибор - калажакка пойдевор</i>	
	● О. Топилдиев.	
	● Ёшлар ва интернет.....	36
	● <i>Ўзликни англаш</i>	
	● Э. Қалқанов.	
	● Тарих, ватанпарварлик, тарбия.....	38
	● <i>Иқтисод ва ҳаёт</i>	
	● Т. Эшназаров.	
	● Ғазна ижроси жараёнини автоматлаштириш.....	42
	● З. Худайбердиев.	
	● Меҳнат бозорининг долзарб масалалари.....	44
	● Д. Расулова.	
	● Ишчи кучи миграцияси	46
	● Ф. Мирзаев.	
	● Банклараро рақобат.....	48
	● Ш. Тошматов.	
	● Солиқ тушумлари ва ставкасини прогностлаш.....	50
	● Ғ. Яхшибоев.	
	● Кичик бизнес: хорижий инвестициявий лойиҳалар.....	51
	● Ғ. Эрназаров.	
	● Уй-жой соҳасидаги ислохотлар: хорижий тақриба	54

А. Бурханов. Молиявий барқарорликни бошқариш стратегияси- ни такомиллаштириш.....	56
Ш. Тўраев. Иқтисодиётда солиқ юкини оптималлаштириш.....	58
М. Салихов. Давлатнинг энергетик сиёсати.....	60
Х. Ҳамроев. Худудий сиёсат қандай бўлиши керак?.....	62
<i>Хорғиш тафаккурини тарғибдан</i>	
Н. Аминова. Френсис Бэконнинг ижтимоий-сиёсий қарашлари.....	64
Ж. Мавлонов. Ҳозирги замон фуқаролик жамияти.....	68
Д. Разаков. Модернизм ва постмодернизм.....	70
<i>Модерндан савдо</i>	
Ф. Эргашев. Туркистонда мустамлака акциз ва божхона ташкилотлари.....	73
Д. Қурбонова. Темурийлар даври заргарлик санъати намуналари.....	75
Д. Маҳкамова. Ўрта асрлар карвон йўлларидаги савдо.....	77
Ў. Мавлонов. Қадимги йўллар ва масофа ўлчовлари.....	79
А. Турсунов. Жанубий шаҳарлардаги иқтисодий ўзгаришлар.....	81
М. Эргашев. Чағониёнда фан ва маданият.....	83
<i>Мустақил</i>	
О. Ҳикматов. Ҳазначилик тизими тадқиқи.....	85
Д. Раҳимова. Минтақа иқтисодиётини бошқариш.....	86
М. Алимардонов. Муҳим илмий манба.....	87
<i>Шарҳот, қисқич, ахборот</i>	
Ғ. Қўчқоров. Меҳнат фаолияти мотивацияси.....	88
О. Жумаев. Сиёсий башорат ва таҳлил.....	89
М. Гаффорова. Хотин-қизларнинг ижтимоийлашуви.....	90
С. Бадриддинов Европа мамлакатлари билан савдо-сотик.....	91
Ф. Эсаев. Профессионал ҳарбий хизматчиларни тарбиялаш.....	93
М. Туропова. Шарқий Бухорода демографик жараёнлар.....	94
Ҳ. Раҳмонов. Фермер хўжаликларидаги муаммолар.....	96
Ш. Хўжаева. Бухоро амирлиги: божхоналар фаолияти.....	98
Б. Раҳимов. Кичик ва ўрта бизнес корхоналари.....	99
С. Аҳоров. Ҳарбий хизматчилар шахсида девиант хулқ.....	101
М. Азимова. Саноат корхоналарини бошқариш.....	103
А. Нурмухамедов. Жамият ривожидан манфаатларнинг роли.....	104
Н. Қувватова. Қишлоқлар тарихи.....	105
У. Мухиддинова. Аграр соҳадаги ислохотлар.....	106
А. Мирзажонов. Интеграллашган вертикал бошқарув.....	108
Х. Қобилов. Мустабид тузум сиёсатининг оқибатлари.....	110
Д. Авлиёқулова. Қатагон қурбонлари.....	111
С. Абдуллаев. Эркин рақобат муҳитини шакллантириш.....	112
Б. Сафаров. Хизматлар соҳасини ривожлантириш.....	114
З. Мадраҳимов. Муҳим савдо алоқалари.....	115
Т. Сафаров. Амударёда кемачилик ва юк ташиш.....	117
Х. Исламходжаев. Ташқи савдони тартибга солишнинг нотариф воситалари.....	119
З. Маннонова. Корхоналарда сифатни бошқариш.....	121
Р. Толибов, С. Ғиёсов. Трасека - тараққиёт омили.....	123
А. Халимбетов. Ер ресурсларидан унумли фойдаланиш.....	124
М. Мирқосимов. Иқтисодий бошқарувни номарказлаштириш.....	125
Я. Хусаинов. «Максам-Чирчиқ» ОАЖ фаолиятидаги баъзи муаммолар.....	127
А. Содиков. Божхона назорати ва контрабандага қарши кураш.....	128
Ў. Ражабов. Ижтимоий соҳада тадбиркорлик: жаҳон тажрибаси.....	130
Б. Ибрагимов. БМТни ислоҳ қилиш: қарашлар муштараклиги.....	132

Ҳудудий сиёсат қандай бўлиши керак ?

Халим ХАМРОЕВ

Ҳозирги пайтда Ўзбекистонда эркин иқтисодий ҳудуд (ЭИҲ) яратиш бора-сидаги биринчи қадам ташланмоқда. Ўзбекистонда ЭИҲнинг яратилиши хорижий капитал (ноу-хау, ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг илғор усуллари, замонавий илғор техника ва технология, менежмент) билан маҳаллий хом ашё, меҳнат ва илмий-техник ресурслар қўшилишининг энг оптимал йўли ҳисобланади. ЭИҲ – савдо, ишлаб чиқариш, молиявий, технологик муносабатларнинг ўта концентрацияланган ўчоғидир. У ўзига хос молиявий, маъмурий, солиқ, божхона, валюта тартибларини қамраб олади. Бу ҳудуд, мамлакатнинг бошқа иқтисодий майдонларига нисбатан анча эркинлиги, билан фарқ қилади. Бу ҳудудларни яратиш, уларнинг фаолият юритиши учун эса, албатта, пухта ўйланган ҳудудий сиёсат керак. Демак, Ўзбекистонда иқтисодий тараққиётни жадаллаштириш, халқ фаровонлигини ошириш учун пухта ўйланган ҳудудий сиёсатни ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқдир.

Ўзбекистон ҳукумати ҳудудий сиёсат олиб боришда қуйидаги муҳим интеграл

мақсадларни ўз олдига қўйиши лозим.

- халқ фаровонлигини ошириш;
- миллий технологияларга нисбатан илғор технологияларни иқтисодиётга жорий қилиш;
- хорижий капитални жалб қилиш йўли билан регионлар ҳамда бутун мамлакат иқтисодиётининг ривожланишини жадаллаштириш;
- ички истеъмол бозорини бойитиш;
- бандлик даражасини ошириш;
- ишчи кучи сифатини яхшилаш;
- иқтисодиётни макро ва мезо даражада тартибга солишда ҳамда микро даражада, яъни корхонани бошқаришда жаҳон тажрибасига эга бўлиш.

Ҳудудий сиёсатда, ЭИҲ яратишда, Ўзбекистон учун, фикримизча, биринчи навбатда, тадбиркорлик фаолиятига эркинлик бериш ўта муҳимдир. Тоталитар жамиятдан тўла қутилмаган ҳозирги ўтиш даврида республикада (тақиқлар, чеклашлар, ман этишлар ҳали кўп бўлган замонда) иқтисодиётда танлаш, фаолият эркинлиги катта аҳамият касб этади. Ресурслар билан маневр қилиш эркинлигининг юқори даражадалиги нафақат ЭИҲ чегарасида, балки ундан ташқарида ҳам тад-

биркорлик фаолиятини самарали юритиш учун кенг имкониятлар беради. Бу каби эркинликларни бутун мамлакат миқёсида бирданига бериб бўлмади. Бунинг икки муҳим сабаби бор:

- хўжалик механизмини мамлакат миқёсида тартибга солишни йўқотиш имконияти мавжудлиги;

- жамиятда мавжуд кўпгина институтларнинг инертлиги, консервативлиги.

Хориж тажрибаси шуни кўрсатадики, кейинги пайтларда ЭИХ ривожланишида кичик ва ўрта бизнеснинг роли тобора ортиб бормоқда. Шу боис, уларни махсус имтиёзлар билан ҳудудга жалб қилиш мақсадга мувофиқдир. Йирик трансмиллий корпорацияларнинг у ёки бу мамлакатга инвестиция киритиши учун махсус имтиёзларга унчалик муҳтожлиги йўқ. Бундан ташқари, уларнинг кўпчилиги шошилмасдан фаолият юритишни маъқул кўради. Кичик ва ўрта корхоналар эса аксинча, кўп маневрли бўлиб, хўжалик юритиш ва бозор талабининг ўзгаришига тез мослаша олади. ЭИХга нафақат хорижий, балки маҳаллий кичик ва ўрта бизнес жалб қилиниши натижасида ҳудуднинг анклавлик характери камаяди, миллий иқтисодиётга интеграциялашуви осонлашади.

Ўзбекистонда ҳудудий сиёсатни юритишда, бизнинг фикримизча, қуйидагиларни амалга ошириш керак:

- 1) Мамлакатда барча ЭИХлар учун ягона, соддалаштирилган, унификациялаштирилган ташкилий структурадан фойдаланиш мумкин эмас. Ҳар бир ЭИХнинг ўзига хос мақсадлари, вазифалари, ҳажми, жойлашган ўрни, марказ ва регион, ўзаро таъсир характери ҳисобга олиниши шарт. Ҳудудий сиёсат, ЭИХлар яратиш борасида маҳаллий ҳукуматлар кенг имконият яратиб бериши керак.

- 2) Инвесторларга аниқ бир муддатга реал имтиёзлар берилиши лозим (солик

имтиёзлари, "солик таътиллари", божхона имтиёзлари ва преференслари, хорижий инвесторлар учун соддалаштирилган виза, имтиёзли ижара ёки кўчмас мулк сотиб олиш тартиби, фойдани эркин олиб чиқиб кетиш ва бошқалар).

- 3) ЭИХ ташкил этиш тўғрисидаги қарор, лойиҳалаштириш ва техник-иқтисодий асослашлар мутасадди кишилар томонидан чуқур таҳлил қилинган асосда, танлов йўли билан ҳамда экспертизадан ўтказилгандан сўнгра қабул қилиниши керак. ЭИХ яратиш лойиҳаси регионал ва умумдавлат манфаатлари уйғунлиги таъминлаб берилган тақдирдагина ижобий баҳоланиб, ЭИХни ташкил этишга рухсат берилиши керак.

- 4) ЭИХ яратиш ғояси маҳаллий ва марказий ҳукумат, маҳаллий, хорижий тадбиркорлар томонидан қўллаб-қувватланиши даркор.

- 5) ЭИХ ўз-ўзидан ривожланувчи, ўз-ўзини тартибга солувчи, ташкил этувчи мураккаб тизимдир. Шунинг учун амалиётда бу тенденцияларга қарши қилинадиган ҳар қандай ҳаракат унинг тараққиётига зарар келтиради. Давлат миқёсида буни инобатга олган ҳолда ҳудудий сиёсат юритиш зарур.

- 6) Ҳудудий сиёсат юритишда, биринчи навбатда, зўрлик ҳеч қачон тараққиётга ёрдам бермаслигини тушуниб, маъмурий чораларга камроқ ўрин бериш лозим.

- 7) Ҳудудий сиёсат олиб боришда ривожланган давлатлар тажрибасини ўрганишга эътибор қаратиш даркор. Бу масалада Ўзбекистонга, айниқса, Жанубий Корея, Хитой, Ирландия, Венгрия каби давлатларнинг тажрибаси асқотади.

- 8) Инвестиция киритишда, биринчи навбатда, инвестиция мультипликатори юқори тармоқларни аниқлаш, сўнгра уларга имтиёзлар тизимини жорий қилиш керак. Туризм Ўзбекистон учун худди шундай тармоқлардан биридир.

9) ЭИХда давлат эмас, балки хусусий бизнес хукмронлик қилиши керак. Иложи борича давлат мулкани минимумга келтириш, хусусий ташаббусга

кенг йўл очиш мақсадга мувофиқ. Хулоса қилиб айтганда, республикада худудий сиёсатни қўллаш вақти келди ва уни пухта ишлаб чиқиш керак.

ФРЕНСИС БЭКОННИНГ ИЖТИМОЙ – СИЁСИЙ ҚАРАШЛАРИ

Нарғиза АМИНОВА

Инглиз файласуфи Френсис Бекон фалсафанинг ижтимоий-сиёсий масалаларига атрофлича илмий мулоҳазалар билдирган олимлардандир. У халқ тушунчасига ижтимоий-тарихий жараёнларнинг бош субъекти сифатида қарамаса-да, унинг давлат барқарорлигида муҳим роль ўйнашини инкор қилмайди. Файласуф давлатни, ҳукмдорни улуғлашга интилади: "Ҳукмдорлар ёруғлик таратувчи осмон жисмларига ўхшайди, уларнинг ён босишига мувофиқ, даврлар яхши ёки ёмон томонларга оғади". Чиндан ҳам, Бэкон монархнинг куч-қудратига, унинг ҳар нарсага қодир эканлигига ишонади. Бэконнинг фикрига кўра, Монарх ҳокимияти, "Худо томонидан ўрнатилган", шунинг учун қироллар давлатни "Худо топшириғига мувофиқ бошқаради". "Қирол - ердаги ўладиган худодир" (цитаталар Бэкон асарларидан олинди). Бу билан Бэкон қироллар, монархлар ролини мутлақлаштиришга ҳаракат қилади, ижтимоий-тарихий жараёнларни, сиёсий тузумнинг самарали фаолият олиб боришини шахслар билан боғлайди. Шу билан бирга, у мутлақ абсолютизм томонига ҳам ўтиб кетмайди, қиролни қонунлар доирасида давлатни бошқаришга, парламент билан ҳамкорлик қилишга, буржуазиянинг ҳаддан ташқари бойиб, давлат манфаатларига хавф уйғотишининг олди-

ни олишга, халқни қашшоқлаштириш юбормасликка даъват этади.

Файласуф динни бошқа халқларга таъқиб қилиш учун урушлар олиб бориш мумкин эмаслигини, динга эътиқод қилиш ҳар қандай ижтимоий-сиёсий ҳаётнинг ихтиёрида эканини тўғри англаб етказган. Айниқса, бутун-бутун халқларга унинг бу динни зўрлаб сингдириш мумкин эмаслиги бу муқаррар тарзда оммавий қирғинлар, зўравонликлар, эксплуатацияга сабаб бўлади, деб хулоса чиқаради. Ўрта асрларда салб юришлари, ҳукмронлар уюштирилган қувғинлар, босқинчилик урушлари дин билан боғлиқ роғи остида олиб борилганини Бэкон яқиндан билган. Бундай зўравонликлардан, энг асосийси вало, оддий халқ азоб чекади, чунки айнан улар ҳар доим зўравонлик объектига айланган. Шунинг учун нафақат Худонинг номи билан бошқа халқлар устига босқинчилик қилиб боришни, ҳатто "унинг исми билан ҳаракат қилишни" ҳам Бэкон Худонинг ҳақорат қилиш деб ҳисоблайди.

Ижтимоий-тарихий жараёнларда давлатнинг муҳим роль ўйнайди. У йирик ижтимоий-сиёсий институт тарзида халқни, этносларни бирлаштиради, умумжамият ҳаётини бошқаради. Ўз пайтида Арасту: «Давлат табиий тарзда, табиий ривожланиш маҳсули сифатида юзага келади», - деган эди. Бэкон эса давлатнинг юзага келишини сиёсий билан ҳам боғлайди (аслида бу - Н. Макиавелли).